


Хуршид Даврон



Тунги боғлар

шеърлар

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«ЕШ ГВАРДИЯ» нашриёти
Т о ш к е н т — 1981



Китобимнинг биринчи бағишлови
Хўбу битик тошидаги ёзувдир:

*Сизларимга... элим,
Сизларимга... ерим, сўям.
Сизларимга... қариндошларим,
Сизларимга, йўловим,
Сизларимга, рангим ва қорам...*

Муаллиф

Тақриэчи Иброҳим Ғафуров

© «Ёш гвардия» нашриёти, 1981

1246

*Шундай яшил менинг Ватаним —
Баҳорнинг илк баргидек яшил.
Шундай гўзал менинг Ватаним —
Ватаним гул атридек ёшдир.*

*Ватан, сенсан бағримга монанд,
Бағрим каби мусаффо, ёруғ.
Сен онамга ўхшайсан, Ватан,
Онам каби табаррук, улуғ.*

*Шундай ёруғ менинг Ватаним —
«Мен севаман» — сўзидек ёруғ.*

1976



Мен сизни севаман ялпизлар атри,
 Қушчаларнинг сархуш сайроғи билан.
 Мен сизни севаман теракзор сайри,
 Дарёнинг тўлқини, қайроғи билан.

Мен сизни чорбоғлар кўксимга битган
 Тип-типиқ кайфият билан севаман.
 Мен сизни япроқлар рангига уйқаш
 Бокира муҳаббат билан севаман.

Мен сизни қорларнинг ажойиб рақси,
 Ёмғирлар шивири билан севаман.
 Севаман ҳовузда чўмган ой акси,
 Шохларнинг пинтири билан севаман.

Мен сизни севаман Ўзбекистоннинг
 Абадий ёшлиғи, ҳайбати билан.
 Мен сизни севаман Афрасиёбда
 Кўкарган майсанинг ҳайрати билан.

1980

Ҳали унутганимча йўқ
 дарахтларнинг тилини,
қушлар билан лугатсиз сўзлаша оламан —
 ҳали унутганимча йўқ.
Ҳалиям ишонаман ва қайғураман
 юлдуз учса тунги осмондан.
Майсаларни мажақламайман —
майсалар дарахтга айланишига
 ишончимни йўқотмабман ҳали.
Ҳамон қўрқаман —
 болаликда қўшнимизнинг итидан
 қўрқардим,
эртак китобларим туғаб қолишидан
 қўрқардим.
Бугун эса онамнинг оппоқ
 сочларига боқиб
 қўрқаман...

1980



1.

Майли, гарчи битта оқ кўйлагим бор,—
мен уни яхшлаб ювиб оламан.

Қуёшнинг тиғида қуритиб якбор,
дазмоллаб тонг пайти кийиб оламан.

Топ-тоза матонинг остидан бирдан
кўтарилар қанот мисоли елкам

2.

Бир соя сиргалди сокин сув узра —
кўприкдан ўтарди қари руҳоний.

Юрмаган йўлинг-ку қолмаган, сўзла,
тақдир қайга элтар ушбу дам сени?

Йўлидан тўхтамай у менга шу дам
осмонни кўрсатди ҳассаси билан.

Эриб кетар хира туманлар,
капалакдек уйғонар ялпиз.
Осмон дарё бўлиб туюлар,
ўтлар узра чопқиллайди кўз.

Қайрағочнинг гули — митти жом --
жаранглайди — таралар атир.
Ва тушларга кирар бу оқшом
майсаларни қучоқлаб адир.

Шамол елар эркин, қутуриб,
қурий бошлар томлар тўсини.
Гулла"тган олчани кўриб
деразалар очар кўксини.

Ёритганча то юрак ичин
сабза ўтлар шабнамга қонар.
Ватанини соғинмоқ учун
ер остида жангчи уйғонар.

1980

ДЕРАЗАНИНГ РАХИДАН ҚОРНИ...

Деразанинг рахидан қорни
кузатади тувакдаги гул.
Ташқарида ёққанида қор,
уйда китоб ўқиган маъқул.

Ташқарида ёққанида қор,
бу ўй суриб инграмак демак
ва чироқни ўчириб қўйиб,
оппоқ шамни ёндирмоқ керак.

Қандай яхши, маъюс, бахтиёр
қиз ташрифин ўтирсанг пойлаб,
ташқарида ёққанида қор
кўчадаги чироқда порлаб.

Қандай яхши кузатмоқ тўйиб
ташқарида ёққан оқ қорни,
қеч бўлмаса олдингга қўйиб
ўткир шароб, бир бурда нонни.

Бироқ нега чидамас юрак,
кийинаман аста, бемадор —
қийин экан уйда яшамак
ташқарида ёққанида қор.

1980

КЕРАК БЎЛСА...

Керак бўлса қилич учида
яша, йиғла ва кулгин тўлиб!
Сариқ рангли гуллар ичида
очил кейин қизил гул бўлиб!
Дилингдаги сўзни айт фақат,
севсанг, бахтли этгин аёлни.
Унга сен зар, тиллани эмас,
инъом этгин ойни, шамолни.
Учингни ол ёвдан, зулматдан,
сотқинлардан, энг охир майдан,
сон-саноқсиз тераклар аро
энг бақувват чинорга айлан.
Атроф ёлғон билан тўлганда,
ичга ютиб титроқ нолани
катталар гунг бўлиб қолганда,
Қутла чин сўз айтган болани.
1980



Якшанбада одамлар
қуёшда тобланиб газета ўқишар,
томоша қилишар телевизорни
ёки хотин билан жанжал қилишар.
Якшанба маданият ва ҳордиқ боғида
рақсга тушади, учар арғимчоқ.
Қишлоқ боғларида гамгин сукунат —
шаҳар шовқинлари етиб келмайди.

Узоқ амаки далада ишляпти,
якшанба борлигин билмас дунёда,
шошилар, ҳосилни тўпламоқ пайти,
Куз — кўзнинг ҳориган фасли.

Қўллари шиддатдан толгай, охири
яшил ажриқзорга секин чўккалар.
Сўқмоққа қарайди... Узоқ қарайди,
нурсиз кўзларида мудрайди чарчоқ.

Ниҳоят сўқмоқда тугун кўтариб
пайдо бўлар хотини ва унинг
олтмиш йиллик умрида ёндирган
ёлғизгина чироғи — қизи...
Узоқ амаки тугунни шошмасдан ечар,
бўрсилдоқ нонларни синдириб
секин эгилар...

Мана шу Узоқ амакининг якшанбаси.

1974

Умрзоқ кунбўйи пахталарига
ишлов бериб ҳориб қайтади.
Уйда уни ойдай хотини,
хотинининг маъюс кўзлари,
икки қават кўрпа кутади.
У ечиниб шошмай ювинар,
бир оз шўхлик қилар хотини билан —
бирдан уйғонади мудраган шамол,
оқишта титрайди шоҳи пардалар.
Умрзоқ хотинининг кўзидан сезар,
у ҳам қали туз тотимаган.
— Овқатлансанг бўлмасмиди?— деб
Умрзоқ тикилар маъюс кўзларга.
Ҳомиладор хотини жилмайиб қўяр,
синиққан ёноқлар кетар қизариб.
Хотини жуда ҳам яхши билади —
ёлғиз овқатланмас эри.
Умрзоқ ёрига тикилган сайин
елкасидан сирғалар ҳорғинлик тошн.
Улар эндигина чўзилган маҳал
осмон анор каби қизара бошлар...

1974

— Мен севаман,— шивирлар аёл, —
кирларингни ювиб бераман,
дазмоллайман кўйлакларингни
сени қучган қўлларим билан.

Бир кун тонгда тўшакда ётиб
жилмайганча шивирласам бас:
«Юрагимнинг остида кимдир
худди сендек олмоқда нафас».

1979



Сунбуланинг еллари
алла айтган чорбоғда,
сунбуланинг йўлларин
ёмғирлар ювган чоғда,
аравалар ғижирлаб
лойларга ботиб қолгач,
қақраган ва ташна лаб
ёз кузга етиб олгач,
боғлар аро ҳокимлик
қилганида болалар,
қизариб нурга тўлар
сўнгги кузги олмалар.

.
.

Аёл каби яланғоч
гўзаллигин бу дамда
шоҳлар аро поилож
кўз-кўзлар сўнгги олма.
Бечора кўр ғадони
ўйнагандек тўрт ёндан,
тош учар ёлғиз қолган
олмага — ер, осмондан.
Ҳар дақиқа, ҳар бир он
хавотир-ла кечади,
боғга кирган ҳар шамол
уни излаб учадн.
Қирган сайин куз боғлар
юрағига ичкари,

Талпинар олма шохлар
учиға — юлдуз сари.
О, Ёлғиз қолган олма,
нақадар сен ширинсан.
Ҳолбуки сен ҳам ўша
олмаларнинг бирисан.
Фақат сен бева каби
Ёлғизсан, о, Ёлғизсан.
Ёлғиз аёл эркакка
ширин туюлар қиздан.
...Урмалагач туманлар
кузнинг хира саҳари,
сўнгги олма, қалбингга
ботар қишнинг заҳари.
Шимирасан энтикиб
ва қайгуга тўласан.
Совуқни қанча ютсанг
шунча ширин бўласан.
О, бева каби Ёлғиз
сўнгги олма, алвидо.
Қошингда турдим маъюс,
чиқмади сендан садо.
Бугун тунда осмонда
ногоҳ юлдуз сурилар,
уча-уча азонда
келиб сенга урилар.
Бироқ ҳеч ким сезмас куз
ёнғинида исиниб,
муздек тонги ҳавода
куйган олма исини...

1980

**ҚИШЛОҚҚА ҚАЙТИШ
ЕКИ
УМРЗОҚ ЛАЙЛАКНИНГ УЛИМИ**

Оқ кўйлак-иштонли Умрзоқ лайлак
равоқда тўшини тўсинга босиб,
тоғларга термилар, энтикар юрак:
«Қишлоқни кўрмоқлик қиларми насиб?»

Кўзини юмади,
ғамгин далалар
хаёлга бостириб кирар ушбу он.
Пахтазор... Чарчаган ерни аллалар
намхуш хазон иси ва телба осмон.

...Ярим тун уйғониб кетар тўсатдан —
осмонни ўксик дил каби титратар
учиб кетаётган қушлар қўшиғи.
Чол йиғлаб юборар ва учиб кетар
оппоқ лайлакларга қўшилиб.

1977

Бўлди, етар, термилманг ойга,
ҳа, биламан, ой жуда гўзал —
тўйиб бўлмас бундай чиройга.

Етар энди, термилманг кўкка,
гарчи олис юлдузлар худди
Сирдош каби яқин юракка.

Етар, айтманг:— О, ҳилол ботар!
О, қаҳкашон, сап-сариқ тулпор
думи каби сочилиб ётар.

Ерга боқинг: худди шу чоғда
юлдузлардан улкан майсалар
бош кўтариб чиқиб келмоқда.
1980



ТУН ШУНДАЙ ЗИМ-ЗИЁ...

(М. Флорианга назира)

Тун шундай
зим-зиё —
нақш олмалар
юлдуздек порлар.

Тун шундай
чуқурки —
Учган юлдуз
қудуққа тушар.

Тун шундай
ойдинки —
Келинчаклар
дарчани тўсар.

Тун шундай
сокинки —
Эшитилар
қуёш нафаси.

1980

САМАРҚАНД ҲАҚИДА ҚҶШИҚ

1. КУНДУЗ

Кўчалари бир-бирин тинмай
Такрорлайди мисли акс садо.
Олислардан келган кемадай
қалқиб турар Регистон танҳо.

Шу кемада келгандай, тушиб
эмаклайди ташна тонготар.
Унга асрий ўйларин қўшиб
тошҳовуз бир қовуч сув тутар.
Кўкда мовий дарё сузади,
оқиб ётар мовий бир кадар.
Темур отган пўлат найзадек
кўкка ботиб турар минорлар.

Олислардан келиб зиёрат
қилган каби армон мазорин,
Бибихоним масжиди узра
янграр Улуғ Қушлар Бозори.
Олиб чиқар нурга кўмилиб,
боболарга қирқ қари зина.
Ва эртакнинг нуқтаси бўлиб
қотиб турар тунд Шоҳизинда.
Шоҳизинда қабрларида
ухлаб ётар юз-юзлаб шаҳар.
Бироқ, унда энди ҳеч қачон
тун чўкмайди, оқармас саҳар.

2. ТУН

Юлдузларга боқиб сармаст
шовиллайди чорбоғлари,

шақар томон оқиб тушар
Афросиёб сўқмоқлари.

Улар ойдин, улар сархуш,
ичгандек куз шаробидан.
Ерга қўнар мисоли қуш
хазонлар — ол, зардобиранг.

Мункиллаган кампирлар жим.
шам ёқади мазорларда.
Саратоннинг иси ҳоким
мудраб ётган бозорларда

Ачиган май иси кезган
ҳовлиларда шамол-дайди
ниманидир гўё излаб
хумлар гирдин айланади...

Ҳамма ухлар, фақат шамол
дарахтларнинг сочин тарар.
Ухламасдан қўриқлайди
Самарқандни миноралар.

3. Т О Н Г

Туш кўрдим мен бугун саҳарда —
Титраб ёниб дил ларзасидан,
кирармишман мовий шаҳарга
мен Навбаҳор дарвозасидан

ва юлдузлар чанги қоплаган
майсаларнинг яшил қоғозин
ўқиб турсам, ернинг қаъридан
янграр эмиш инсон овози:
— Мен опичлаб Афросиёбни

олиб келдим, чиққин югуриб.
Тушда кўриб ҳар кун офтобни
сочим кетди қордек оқариб.

...Уйғондиму чиқдим кўчага —
Шаршарадек ойдин эди тун.
Қиздек ухлаб ётган кечага
мен меҳримни бердим ўша кун.
Кўзим тиниб осмонга боқдим,
У шишадек порларди совуқ.
Ёр яшаган равоқдан оқиб
тушар эди пастга чирмовиқ
ва куз меҳри чулғаган боғда,
она шаҳрим, сени ўйладим.
Кекса боғлар уйғонган чоғда
тонгга сингиб кетди ўйларим.

1980



ТУНГИ БОҒ

(Н. Заболоцкийдан)

О, тунги боғ, о, тунги боғ, сеҳрли чолғу,
Виолончелу сонсиз узун карнай макони.
О, тунги боғ, о, тунги боғ, сақов болуту
Ҳаракатсиз арчаларнинг ғамгин карвони.

У кунбўйи елиб толди, гувлади ҳорғин,
Болутлар жим олишди-ю, титради қайин.
Юз минг япроқ худди юз минг тилла танадек,
Кеч кузакнинг ҳавосида бирлашди майин.

Темир август ойи узун қўнжли этикда
Олисларда турарди ов ўлжасин ушлаб.
Ўқ садоси янграр эди қир-сайҳонликда,
Зах заминга қулар эди зарб билан қушлар.

Ва боғ тинди, ногоҳ ҳилол топди йўлини,
Ерга узун соялар ҳам тўшалди ўнлаб.
Арғувонлар тўда-тўда чўзди қўлини,
Қушчаларни яширганча шохларга ўраб.

О, тунги боғ, о, тунги боғ, ғамгин тунги боғ,
О, мавжудот, қучоқлаган олис уйқуни!
О, бошларнинг нақ устида порлаган бодроқ,
Митти юлдуз парчасининг оний учқуни.

ҚИЗИҚЧИЛАР

(Ўтмишдан)

Бир ён хону бир ён оқ пошшо,
чирогингни ўчираб экан,
ва қайғунгни айлаб томоша
зулмат дилга санчаркан тикан,
ювошгина эшакларини
жангга кирган каби қамчилаб,
сокин қишлоқ эшикларини
уйғотади мард қизиқчилар.

Тиғдай ўткир, шўх қаҳқаҳадан
дув тўкилар боғда олмалар.
Югуришиб ўтар даҳадан
томошага ташна болалар.
Қаҳ-қаҳ урар бўғзига ўлим
уруғ сочган юз яшар чоллар.
ва осмонга кўтариб қўлин
кулар гувлаб силкинган толлар.

Кулгусини яширмай ариқ
кулар илон каби буралиб.
Ҳолдан кетган шамол тўсатдан
қулар улкан толга урилиб.
Сўз қитиқлар, сўз санчар ханжар,
эриб кетар кўкракдаги тоғ.
Гулга кирар — мисли тунги жар
қоп-қорайиб титраган чорбоғ.

Қайғу — дилга кирган тиланчи,
ғам босаркан нақ қора лашкар,
кулғу — қайғу чеккан дил учун
дорбоз қўлга ушлаган лангар.
...Қизиқчилар! Умр қаққини
олиб доим эзгу дуодан,
инграб ётган она халқини
кулдирай деб ўтар дунёдан.

1980



Сўз — қушдир,
авайла қушни.
Авайла, кўксингда унга сен ин қур.
Қанотларин сила, эркала,
ўз қонингдан ичиргин қушга.

Шеър — учаётган қушга ўхшайди,
қуёшни ичади у учиб-учиб,
Шеърнинг тўрт сатри —
қафас бўлмоғи,
осмон бўлмоғи мумкин сўз учун.

1979

,

Дарё йўқдир сочингдан бошқа,
тўлқинида оқай десам.
Кўзингдан бошқа юлдуз йўқ,
қарай десам, боқай десам.

Исмингдан бошқа бир сўз йўқ,
айтай десам, тўяй десам.
Кўзингдан бошқа юлдуз йўқ,
оловида куяй десам.

Меҳрингдан бошқа кундуз йўқ,
суяқларим тоблай десам.
Кўзингдан бошқа юлдуз йўқ,
Ўзга йўлдан кетай десам.

1980



ЗАЪФАР ҚИРДА...

**Заъфар қирда саман отнинг
кокилини ой ўпар.**

**Ой нурлари сукунатни
чўмилтирар, яйратар —
Заъфар қирда саман отни
кечага ҳадя этар.**

**Қоронғида ялтирайди
саман отнинг кўзлари.
Тун қўрқади, қалтирайди,
тун кўзида шубҳа бор:
олиб қочиб кетмасми деб
сукунатни бу тулпор...**

1980

Тупроққа топширдик биз жўрамизни,
оқарган юзини кўзларда асраб.
Аммо кўмолмадик дил ярамизни,
уни қўйдик оғир сўзларга ўраб.

Тош каби қотибди бизнинг дийдамиз,
ёмғир ювган тунлар ориқ юзини
қўрқмасдан эсладик сархуш пайтимиз.
Фақат эсламоқдан қўрқдик кўзини.

Бир куни...

шом эди...

айвонда туриб, —
кимдир деразани очди. Биз турдик.
ҳовлида гуллаган олчани кўриб
уни эсладигу йиғлаб юбордик.

1980



Тўкилади девордан сувоқ,
ғижиллайди саҳарда эшик.
Бунда яшар узоқдан-узоқ
чол ва кампир.

Айвонда бешик

Ўттиз йилдир осилиб турар,
унутганча гўдак исини.

Ўттиз йилдир гўдак нафаси
иситмайди бешик кўксини.

Ўттиз йилдир туш кўради чол

Смоленскда қолган қўлини.

Ўттиз йилдир кампир туш кўрар
урушдан қайтмаган ўглини.

1979

Тушига кирибди Гурғанж боғлари —
 баҳор кирган эмиш қари пойтахтга
 ва бирдан кўрибди — ёв пичоқлари
 санчилиб турармиш қар бир дарахтга.
 Қараса, дарахтмас, қизлар турармиш,
 санчилиб турармиш ёв пичоқлари.
 Баҳор эмас, боғда кезар эмиш қиш,
 қорайиб ётганмиш Ватан боғлари.
 Тушига кирибди Жайхун бўйлари —
 Қийғос очилганмиш ўрик гуллари
 ва бирдан кўрибди — ёғий ёйлари
 баҳор қушларидек учар юрт сари.
 Қараса, муз эмас, оқаётганмиш
 синглиси, онаси ва ўғиллари.
 Оқиб кетар эмиш тўлқинларда қиш —
 захридан тўкилган ўрик гуллари.
 Терлаб уйғонди у ваҳима билан,
 зангори самоларга чўзди қўлини.
 Тепада танҳо бир юлдуз чарақлаб
 ёритиб турарди Гурғанж йўлини
 ва бирдан англади, аямай босиб
 баҳорнинг сарғайган, заъфар ўтини,
 уни сўнгги юлдуз нуридан тўсиб
 қилич ушлаб келар эди ўлими.

1980

* 1231 йил 16 август куни Жалолиддин Мангуберди ҳалок бўлган.

ОТЛАР ЙИҒЛАГАНДА...

Отлар йиғлаганда кузатганмисиз?

Узоқларга қараб йиғлар экан от,
узоқ-узоқ-узоқ йиғлар экан от,
овоз чиқармасдан йиғлар экан от.

Учиб кўрганмисиз сиз қушлар билан?

Қанотлари куйлар экан учганда қушнинг,
тумшуқлари кулар экан учганда қушнинг,
оёқлари ерни қўмсар учганда қўшнинг.

Шовиллаб турганмисиз дарахтлар каби?

Учиб кетай дер экан баҳорда дарахт,
мезонларга осиларкан кузакда дарахт,
илдизига ишонаркан қиш чоғи дарахт.

Отлар каби йиғлагим келар,
соғингим келади қуш оёғидек,
дарахтдек ишонгим келар илдизларимга...

1979

НОМОЗ ҲАҚИДА ҚУШИҚ

*«Машҳур Номоз Пиримқул ўғли бошчилигидаги
ҳаракат очикдан-очик сиёсий тус олган эди»
«Ўзбекистон ССР тарихи»дан.*

Жарлар аро бўридай писиб,
ўтлар каби ўрмалар Номоз.
Жаранглайди туёқлар саси —
уни қувар бу машъум овоз.

Писиб юрар ўз Ватанида,
қўлларида занжирнинг изи
ва юракдай янграр танида
озодликнинг бўғиқ овози.

Номоз боқар, ана, йироқда
она қишлоқ кўриниб турар.
Қани кел, деб ярим тун чоғда,
ойдинликда сўқмоқ ярақлар.

«У, ёмғирлар, йўлларда қолса,
ювиб ташланг унинг изини.
У, шамоллар, яширманг сира
туёқларнинг қора сасини».

Ўз уйини кўриб турару
киролмайди эшикни очиб.
Кечалари туш кўради у
Хотинининг илондек сочин.

Саратоннинг ўтлари аро
ухлар отдек зийрак ва сезгир.
Юрагида уйғоқдир, аммо
Ватан деган муқаддас севги.

Ҳа, Ватандир барчадан юксак,
муқаббатдан юксак Ватан бор.
Шу Ватан деб жон бермоқ керак,
Ватан — эрк деб аталган диёр.

Тўқайларда ухлар қиличдек
ёғийларнинг қонига ташна.
Тунлар ёвқур бургутдек учди
йигитларни жангларга бошлаб.

Ухлаб ётар қишлоқлар, уйлар
нуқра ойнинг шуъласига ғарқ.
Қўтондаги қўйлардек ухлар
ўз эркини йўқотган бир халқ.

Қора қирлар аро Номознинг
қонларига чўмилган ўтлар
эркка ташна юрак овозин
неварага бир кун элтар:

«У, юрагим, ухлаб ётар Шарқ,
сенга боқиб, сенга умидвор.
Озодликни истаса гар халқ,
жанг қилмоқни билмоғи даркор».

...Эрта-индин симлар етказар
ва қорлардан кийиб оппоқ бўрк,
«Энди Номоз йўқ», дея маза
қилиб қўлин ишқар Петербург.

Ва Номозни тупроқ олган шом
бўғиқ сайрар даштда турналар —
бешикларга боғлар интиқом
болаларин кекса оналар.

1980

БОТИР НОМОЗ УЛИМИ

(1907 йил 3 июнь)

Қоронги тун мастона
аёл каби қучоқлар.
Ошиқлардек учрашар
тун қўйнида пичоқлар.

Даҳшат сочиб таралар
қоннинг алвон садоси.
Димоқларга урилар
ёвшангуллар нидоси.

Эркаклар гул — аёлни
ҳидлаб ётган кечада,
ботир Номоз ўлимни
излаб чиқди кўчага.

Осмонда оқ маржонлар,
узилгандек иплари.
Келар Номоз ортидан
ҳиёнатнинг итлари.

О, жавзо қучоқлаган
қоронғи тун — сокин юрт!
Юртим дея тинмаган.
Чавандозни яшир, ют!

Яшир маржон ипларин
яширган шум судхўрдек.
Оқ подшонинг итларин
тишларини суғургин...

**Ботир Номоз қиличин
тиғида ой рақс тушар —
Синдирилди қиличи,
бошини эди тошлар.
Унинг титроқ лаблари
айтар жон чиқар они:
«Унутманг, тун итлари,
менинг қоним — халқ қони».**

1980



Қиз сочида шамол ҳайқирар,
гувлар шамол каби қиз сочи.
Йўл тугару уйига кирар
қиз зангори эшикни очиб.
Остонада қолади шамол,
чекинади уфққа кундуз.
Пахса деворларни қучоқлаб
йиглар шамол кўчада унсиз,
ва шамолни дарахт шохлари
олар экан тинч қучоғига,
сочилади куз япроқлари
қиз яшаган уй равоғига.
Дарахтлар ҳам ҳеч чидаёлмай
деразадан мўралар маъюс.
Дарахтларни олиб кетолмай
остонада турар сарсон куз.
Қуюқлашиб бораркан майдай
қора туннинг қора бўёғи,
қиз тўшакка ўранган пайтда
тиниб қолар кузакнинг боғи.
Бу сукунат фароғатидан
қиз киприги юмилгач аста,
қиз сочини соғинган шамол
деразани очар оҳиста,
ва тилларанг хазонлар сочиб,
боқмай ойнинг нур ўйинига,
қордек оппоқ чойшабни очиб,
кирар ойдек қизнинг қўйнига.

1980

БАЪЗАН КУЧАДАГИ...

Баъзан кўчадаги ёғоч ўриндиқда
ёки автобусда кўриб қоламиз
қариб қолган ёлғиз аёлни.
У қўлларин тиззага қўйиб
сизга ғамгин нигоҳин ташлар.
Сиз билмайсиз,
нега бирдан
баданингиз жимирлаб кетар...

1977



Қўшиқ — дил сукунати
ва сўзларнинг фарёди.
Қоп-қора оқшом пайти
янгради «Ушшоқ» доди.
Фонуснинг тиллари ҳам
жўр бўлар бу қўшиққа
ва титраб етиб борар
ҳилол — тилла бошоққа.
Қора шохли дарахтлар
силкинар куй авжида.
Юлдузчалар чўмилар
ойдин қайғу мавжида.
О, Ҳожи бобо саси,
қалқир ҳорғин минорлар,
бир-бирининг кўксига
бош қўяди чинорлар.
Гўри Мир даҳмасида
ўкиради оппоқ тош —
тош остида Улуғбек
кўзида қалқдимми ёш?
Титратар гумбаз аро
қотиб қолган ҳавони
ва ранглар ташна саҳро
каби ютар навони.
О, Ҳожи бобо саси,
девордан оқади ранг
ва ранг билан юракни
бўяр мусаввир оҳанг.

Бу қўшиқнинг дардидан
мойчечаклар сарғаяр.
Уларнинг баргида жим
тош кўз ёши сирғалар.
Тун қучган ҳовлиларда
ухлатиб неварасин,
Кампирлар уйғотмоқда
юракдаги ярасин.
Расадхона шаҳардан
қирлар томон югурар
ва унинг нафасига
ёвшаннинг ҳиди урар.
Шоҳизинда бағрида
янграқ қирқ зина сози —
қирқ пардага бўлинар
Ҳожи бобо овози.
Бу қўшиқнинг сасидан
ҳаво дардга қорилди,
бўғзимдаги ғунчалар
анор каби ёрилди.
О, Ҳожи бобо саси,
нақадар ғамгин, маҳзун.
Бу овознинг нафаси
ҳофиз умридан узун.
О, Ҳожи бобо саси —
ёвшангуллар нафаси..

1980

Дераза пардаси силкинар,
қайларгадир сузар хоналар.
Қиз юзида тошган сепкиллар
баҳордан ва ишқдан хотира.

Деразадан термилади қиз
кўчадаги толиққан ёзга.
«Ҳадемасдан кириб келар куз» —
қиз шундай деб ёзар қоғозга.

1979



Тикиламан — осмон ўзгарди,
у гоҳ мовий, гоҳида қизил.
Мен шивирлаб айтган сўзларни
сукунат жим кетар оқизиб.

Сўзларимга ўрадим яйраб
ялпизларнинг мудроқ исини
ва ногаҳон қуш каби сайраб
уйғотдилар улар сўзимни.

Кимларгадир келди сўзлагим
ва осмонга кўзимни тикдим.
Ёмғир остидаги кўзадек
нурга тўлиб кетди юрагим.

1979

РУМОЛ УРАБ КҮЧАГА ЧИҚДИ...

Рўмол ўраб кўчага чиқди,
рўмолини ечди кўчада
ва сочлари бирдан шовиллаб
оқиб кетди елкаларидан.

Жуда гўзал аёл эди у!
Қаландардай эргашиди ҳилол.

1979



Қўлга қалам олган олис кун,
шеър ёзишни бошлаган ондан,
қабрингизга бош эгмоқ учун
боргим келар Ўзбекистондан.
Самарқанддан чиқсам мен йўлга,
кўкда қуёш ҳали қизармай,
суҳбатимиз қизисин дея
олай бобом чордоғидан май.

Чиқсам шаҳар бағридан сўнгги
хазонларни бирма-бир босиб,
ва кузатсин кун нури сўниб.
Гўри Мирнинг мовий гумбази.
Кечиб ўтсам Амударёни
ҳилол билан бирга баробар,
кечиб ўтсам бешта дунёни
ва Ҳиротга кирсам тонготар...

Уёғини этмам тасаввур,
йиги қисар кўксимни бирдан.
Яшаяпман қабрингиз бир қур
кўриб ўлмоқ нияти билан
ва сиёҳи қуриб битмаган
шеърларимга туриб юзма-юз,
ҳар кун тунда йўлга чиқаман,
ҳар кун тонгда қайтаман маъюс.

1980

У шошмасдан йўлга отланди.
Деворда пашшадек ялтираб турган
михдан кулранг ёмғирпўшини
юлиб олди у ижирғаниб.
Кейин бориб нтарди ҳорғин
нақшин эшик табақасини —
Эшик очилмади.
Эшик очилмади.
У қувониб кетди бу бахтдан.

1979



ЯШИРАСАН СЕН КЎЗЛАРИНГНИ...

**Яширасан сен кўзларингни,
куз май тўла кўзаларини
ертўлага яширган каби.**

**Яшир.
Дийдам ҳасратдан қотган.
Орамизда чўзилиб ётган
сукунатни яширолмайсан.**

1979

1. У С Т А

Мен шовқинга тўла бозордан
хайрат тўлиб тану жонимга,
термиламан кўкда порлаган
улуғ хаёл — Бибихонимга.
Термиламан, топаман излаб —
ҳув, хароба кўк гумбаз узра
эртас қаддин тикламоқ истаб
ўй суради мункайган уста.
У қовжироқ, титроқ қўлларин
бўйсундириб иродасига,
тинглар қадим ғиштлар куйлаган
рангин гуллар ҳикоясига.

Олисларда гувилларкан боғ
учиб кетмоқ бўлгандай ердан,
уста тикар самога нигоҳ
ва кўзлари қамашар нурдан.
Бироқ бирдан кўк тилга кирар,
сукут сннар нақ шишасимон.
Ҳира кўзлар қаърига чўкар
гумбазнамо шаклда осмон.
Шунда ёниб шиддатдан қалби,
пастга, ерга ташлайди назар,
унда оний дақиқа каби
учиб ўтар баҳорлар, кузлар.

Пастда қолди шарафу олқиш,
Пастда қолди қарилик — хаста.

Фисқу фасод, ғийбату ташвиш —
қолиб кетди барчаси пастда.
Пастда бўғиқ суронга тўлиб
оқиб ётар гавжум кўчалар.
Пастда нуқра сочин силкитиб
сўкинади маст ёрдамчилар.

Пастда қолиб кетди ўқлардан
яраланган ғиштар, нақшлар.
Пастда қолиб кетди устанинг
кўзларидан тўкилган ёшлар.
Бунда эса гумбаз ва осмон
бир-бирига қоришиб ётар,
ботаётган қуёш осмоннинг
ва гумбазнинг бағрига ботар.
Бунда дилда парвознинг ҳисси
уйғонади... Ё раббим! Наҳот?!
Кўкни қўмсар занжирлар қисиб
оддий қўлга айланган қанот.

1980



Бола ҳар кун келар оқшомда,
тут тагига бориб ўтирар,
ва сарҳадсиз нилий осмонга —
кўк гумбазга боқиб ўй сулар.
Офтоб акси тушиб нақшларга
бўғилади бақироқ бозор.
Сукут чўқар улкан шаҳарга,
тиниб қолар мисоли мазор.
Бу сукунат болага ёқар
ва сукутни у тинглаган дам,
боши узра силкинган шохлар
қора тортиб борар хотиржам.

.

Сўнг ичкари кирар у сармаст
ва тепага боқар бахтиёр.
Ташқарида шитир этган сас
янграр бунда жомдек улуғвор.
Ташқаридан ҳар бир товушни
ютар бунда уч эшик — қулоқ.
Ютадию дарахтнинг, қушнинг
қўшиғини такрорлар узоқ.

.

.

«Мен тепага чиқишим керак»,
деган бир ўй чулғаган оғи,
бежо тепа бошлайди юрак,
гупуради согинчдан қон.
Илк қувончи, илк қўшиқлари

ва илк гами, қайғуси билан
юксакдаги кўк гумбаз сари
кўтарилар бола хаёлан...

Мана, осмон елкангга тегар,
мана, қолди пастликда шаҳар.
Ана ғарбда қуёш ҳам чўкар,
ана, шарқда кўринар саҳар.

...У умрида ҳали ҳеч қачон
чиқмагандир бундай юксакка,
шунинг учун оловланар қон
ва юраги сифмас кўкракка.
Ҳали унинг кўксида тирик
эртаклари олмоқда нафас.
Кўзларини асраган киприк,
билмас ёшни, қайғуни билмас.
Ҳали унинг қўшиқларига
ситилмаган ғамгин садолар,
Ҳали унинг қўшиқларига
жўр бўлмаган ёлгон наволар.

Бироқ, соқов, гунг бўлган бола
тўлдиргандек ерни овозга,
кўзлари кўр ва хаста бола
чизганидек нурни қоғозга,
оёқлари шол бўлган бола
учганидай қушдек осмонда,
ва санашни билмаган бола
санагандек юлдузни тунда,
Бу бола ҳам ҳар куни такрор
орзусини туш кўрар шодон:
Кўтарилиб борармиш тонгда
юксакдаги кўк гумбаз томон.

1980

Ёмғир қадаҳ чўзар,
олишим билан
уни ичиб қўяди қуёш.

Ёмғир қадаҳ чўзар,
олишим билан
уни тўкиб юборар шамол.

Ёмғир қадаҳ чўзар,
олишим билан
аксини томоша қилади осмон.

Ёмғир қадаҳ чўзар,
олишим билан
кир юваётган хотинимнинг
суви тугаб қолар.

Ёмғир қадаҳ чўзар,
олишим билан
ҳансирай бошлайди
тувакдаги гул...

Шунда мен,
шунда мен
кўз ёшимни
ича бошлайман...

1979

Бибихоним даҳмаси харобасида
сўнгги бор акс этар ва сўнар қуёш.
Уйғона бошлайди кун нафасидан
мудраб ухлаб қолган қора қабртош.

Тор, қийшиқ кўчалар адашиб қолиб,
илондек ўрмалар нурафшон тунда.
Товлана бошлайди қайғуга тўлиб
«Зижи Кўрагон»нинг акси осмонда.

Мудрар сезгир қушлар бутоқлар аро,
уларнинг уйқусин бузар шамоллар
ва қайсар эшагин ниқтаб бесадо
уйга қайтаётган бозорчи чоллар.

Томга учиб тушган ёрқин бир юлдуз
куйдира бошлаган пайтда ўтларни,
мункайган чол каби қариган кундуз
Шоҳизинда томон писиб ўтарди...

Эски шаҳар ухлар, мудраган тоқлар
пахса деворларни маҳкам қучоқлар.
Ухлайди бозорда қовуну ноклар,
тушларига кириб муаттар боғлар.

Тунги сукунатда тўкилар ерга
йиллар нафасидан нам тортган шўрхоқ.
Боладек мўлтирāб боқар шаҳарга
бир четда биқиниб олган митти боғ.

1979

ДАРАХТ

**У йўллари
олқишлар мангу,
Йўлларга бағишлар болалигни.
Унинг ҳорғин новдалари
шамолларни улгайтиради.
Одамларга берар
болаларини.
У қуёшни биринчи кўрар
ва бағрига яширар тунни.
Қуёш тик келган пайтда
ерга тушар туннинг акси.**

**У ўзини оловга берар,
одамларга берар оловни.**

1979



(Владимир Соколовдан)

Сен нега ухламайсан ва боқасан дарчага?
Ташқарида ҳеч қандай воқе содир бўлмайди.
Фақат гувлар япроқлар, ёмгир оқар кечага.
Балки кутаётирсан? Бироқ, ҳеч ким келмайди.
Чунки ҳамма ухлаган. Тиниб қолган ёмгир ҳам,
Дераза равоғида ухлайди ҳўл капалак.
Ором ол, ташқарида ухлаб ётар тунги бог,
Деразадан қарасам кўринмас на бир чироқ.

Мен эса ухламайман, чунки ўтлар ухламас,
Ва ҳўлланар замин ҳам қудратли шабнамлардан.
Чигиртка ўйга толар: уйғониб бирор соат
Дунёга шовқин солиб қилсаммикан ибодат?
Мен эса ухламайман, чунки ўрмонзорда маст
Ором олар дарахтлар кундуз ҳароратидан.
Мен эса ухламайман, чунки сув ҳам ухламас
Ва қайгадир югурар мисли биз кечган йиллар.

Дала кезиб
Оғир ўй билан,
Тўхтаб қолдим
Ҳайратда бирдан.

Қандайдир бир
Сирли ҳаяжон
Юрагимни
Титратди шу он.

Уриларди
Димоққа бир ис —
Қулоқ солсам,
Куйларди ялпиз...

1979



ЭНГ КУЧЛИ БАҚИРИҚ...

Энг кучли бақирӣқ —
соқовнинг бақирӣғи.
У, қандай куч билан бақирар
қабртошлар...

Энг кучли сукунат —
на кўз сукути,
на соқов сукути, на тош сукути.
Энг даҳшатли сукунат —
шоир жим юрса...

1979

САМАРҚАНДДА ТОНГ ОТИШЕНИ КУТИБ

I

Тун кезинар... Қора кийган йўлчидек маҳзун
тун кезинар. Нигоҳимга йўл бермайди тун.
Кўзим чарчар тўқнашганча тун деворига.
Тун девори — қоронғилик, чексиз кўланка.
Термиламан, биламанки яқиндир саҳар
ва қаршимда оқ кийиниб уйғонар шаҳар.
Бироқ, ойдин саҳаргача яшамоқ керак,
гоҳо ойга, гоҳ юлдузга ўхшамоқ керак.

II

Қора саҳро тупроғидан униб чиқар тонг,
кўтарилар ниҳол каби шамси қамарга.
Ҳайратларим тўзим билмай балки ўша он
боқадирман кўзим ёниб она шаҳарга.
Қайда қолди Бибиҳоним?! Қайда Улугбек?!
Оҳ, кимларнинг суягини оқартирганча
Самарқанднинг осмонида порлар ёруғлик,
қумга сингган Зарафшондек йўқолгач кеча.

Тонг отдими, бунда йўлин йўқотган тушлар
каби кўнда чарх уради ҳориган қушлар.
Бу қушчалар учиб келар гўё офтобдан —
олисларда қолиб кетган Афросиёбдан.

Қўл чўзсанг бас, қўлларингга қўнади улар
ва кафтингда қолар чангга айланган йиллар.

1979

Тунги боғлар сураатга ўхшар,
ҳар бир чизиқ аниқ ва қора.
Қундузи у мен каби яшар,
тунда — қотиб қолган хотира.

Нозик чизиқ...
Ва кўпкарига
кирган отдек шиддатли чизиқ.
Гўё барин бог дафтарига
қўйган каби мусаввир чизиб.

Боғлар тунда сураатга ўхшар,
қора тортиб қолар чизиқлар.
Шунда қанча узоқ тикилсанг,
хотира ҳам шунча чўзилар.

1979

Мезон оқшомлари қуйилгач тунга,
қайғулар уйғонар кўксимда ногоҳ.
Боқаман, дарахтлар сингар осмонга,
англайман: яшамоқ оний бир нигоҳ.

Кун келар, қушларнинг тўдаси узоқ
айланар осмонда ва ўчар саси —
баҳор — ташна қушлар интилган тузоқ,
кузак — синдирилган қушлар қафаси.

Кетарлар қушчалар парвоз билан маст,
қайтарлар увиллаб қора шамоллар.
...Эркаклар қонида йиғлар мусаллас,
йиғлаб кузатади қушларни чоллар.

1980

ОСМОНДА БУЛУТ ЙЎҚ...

Осмонда булут йўқ,
шамол ухлаган,
термиламан ҳовуз сувига.
Балиқ сузар, шуъла, гул, менинг соям —
ҳаёт акс этади ҳовузда.

Онам хонтахтага нон қўйиб кетар,
хотнним қўйиб кетар бир қадаҳ шароб,
Синглим қўйиб кетар бир қовуч гилос.

Баланд зинапоядан
тушиб келмоқда
ҳовлимизга
жавзо офтоби.

1980



(1449 йил 27 октябрь)

Учар қора айғирлар... Тун
сукунати синади,
мўрилардан учган тутун
совуқ тунга сингади.
Кўзлари қон билан тўлиб
учиб борар ўн сарбоз.
Отлар туёғида куйлар
эзилган ўт беовоз.
Самарқанднинг минорлари
кўзин узмай ўн отдан,
кузатади даҳшат билан
қора ўлим ортидан.
Йўл четига тисарилар
дарахтлару чорбоғлар.
Отлар билан учиб борар
қонга ташна пичоқлар.
Олисларда ўлим еасин
сезиб қолган оч бўри
увиллайди, қон мазасин
туяй деб шомдан бери.

...Мана, манзил. Отлар боғлаб
қўйилмайди. Тез! Тезроқ!
Гувиллайди тунги боғлар,
дукиллайди дил бежо.
Кўллари қайиришар,
кўйишади сўнг боғлаб.
Дукиллайди юрак бежо,

гувиллайди чорбоғлар.
Ёнар хира фонус танҳо,
Йўқдир умид, йўқ илинж.
Шивирлар лаб:— Ё бисмиллоҳ...
Бош эгилар ва қилич
ой нурида ялт этару
ҳуштак чалар ҳавода.
Қон отилар... Қон оқади
тиник ариқ сувида.

...Қамчиларни тишда қисиб
от сурганда қотиллар,
чиқар улар йўлин тўсиб
мажақланган ўт, гуллар.
Қора уйга киргач титраб
қотиллар паноҳ излаб,
тўрт томондан уйни ўраб
ола бошлар юлдузлар.
Яширмасдан дил ларзасин
айни хира, тинч саҳар
қоронғи уй деразасин
учган юлдуз синдирар...
Беш асрким, кўкда музлаб
хоҳ қиш, хоҳ ёз, куз пайти
қотилларнинг боши узра
ой қиличдек порлайди.

1980

Қоронғи кеча билан,
ариқнинг ичи билан,
чорбоғингга ўтгандим
талатиб кучук билан,
олдилар ушлаб мени,
урдилар муштлаб мени,
буичалар қийнадилар
кўзимни ёшлаб мени.
Қўлимни боғладилар
узун арғамчи билан.
Кейин олиб кетдилар
миршаб-қўриқчи билан.
Ёрим, энди изимга
ҳориб-чарчаб кўё тутма,
тунлар айтган сўзимга
ишонгин ва унутма.
Сарбон чол бош чайқайди,
туясини ниқтайди,
менга секин нон тутар
икки миршаб йўқ пайти...
Йўл четига қарасам,
кизил гул очилибди.
Хуш ҳидлари самога
оҳимдек сочилибди.
Ўлмаган жоним менинг,
Ёримсиз энди нетай.
Тўкилсин қоним менинг,
тупроққа сингиб кетай.

Узоқда оҳ чекурман,
термилиб йўллар томон.
Қўз ёшимни ичурман,
бу замон қандай замон?
Оёққа уриб кишан
зиндонлаб қўярларму?
Ёки хон жаллодлари
товондан сўярларму?
Йўл чети яшил чамаи,
юлдуз ёнар бошимда,
энди сени кўрарман,
фақатгина тушимда.
Тоғлардан ўтиб кетдик,
Йўл топиб келасанми?
Қир ўтдик, дарё ўтдик,
бу ерни биласанми?
Зах, зиндон хоналарда
кун сезмай, тунни сезмай,
панжара орасидан
қочмоққа чора излай.
Қибладан шамол турған
саҳарда ерни тешиб,
қирғовулар сайраган
тўқайзор, дарё ошиб
Борурман кеча билан,
ариқнинг ичи билан,
сўнг отян қамчилайман,
ёр, сенинг сочинг билан.

1978

«Кетяпман»,— деди у хотиржам
қабиланинг раҳнамосига.

«Кетяпман, токи ҳеч қачон
қул бўлмасин саклар»,— деди
қабиланинг йигитларига.

«Кетяпман, унутма»,— деди
яйловдаги қора айғирға.

«Кетяпман, оппоқ сутингиз
юрагимда қонга айланган»,—
деди онасига бошини эгиб.

«Болаларим тезроқ улғайсин»,— деди
хотинини сўнгги бор қучиб.

Кейин кетди ҳаммаёғи қон...

«Мен ғалаба қилдим!»— деди
Роносбатнинг* кўзига қараб...

1980

*Роносбат — Доро қўшинининг лашкарбошиси.

Саҳардан то оқшомга қадар
Кўкда порлаб ёнмагунча ой,
Эртак сўйлар сархуш бармоқлар,
Эртак тинглар қизил рангли лой.

Лойни силар бармоқлар аёл
сочларини силаган каби.
Лойга кўчар қувонч ва хаёл,
лойга кўчар кулолнинг қалби.

Саҳардан то оқшомга қадар
кўкда порлаб чиқмагунча ой,
соғинчларин осмонга сўйлаб
қуёш билан бирга куйлар лой.

Оқшом эса чарчаган кулол
чиқиб кетган пайт майхонага
оқ чодрага ўранган аёл
кириб келар устахонага.

Ёноқлари қуёшдек қизиб,
қўлга олар ҳар бир кўзани
ва бармоқлар тафтини сезиб
ўпа бошлар улар изини.

1979

Яшил рангни келтирди баҳор,
қизил рангни келтирди қилич.
Сариғ рангни дилдаги ғубор,
юракдаги оғир бир илинж.

Ва уларни бирин-бирига
ёвқур замон қориб ташлади.
Сен қул бўлдинг ранглар сеҳрига —
биз рангларни таний бошладик.

1980



«ЧУМОЛИ» ТУРКУМИДАН МУҲАББАТ

Мана, бир чақмоқ қанд. Мана, қора нон,
иккига бўлиниб қўйилган улар.
Бурғоқ тўла қаҳва-яйрар ундан жон,
маъюс кузатади бизларни гуллар.

* * *

Бир чамбарак сут каби
осмонда ой
сузиб юрибди.
Ям-яшил яйловда кишнаб юрар
оппоқ бир от —
томчи сут...

1979

МЕТАМОРФОЗА

Ёш аёлни қучоқлаб олиб
йигитга айланган чол каби
Бир ҳовуч ялпизга тикилиб
айланади қизчага кампир.

1980

Қора ёмғир ва ёлғизлик, қоронғи чорбоғ —
ғамгин қушлар қарвон бўлиб кўчиб кетади.
Ёмғир ювган дарахтлардан энг сўнгги япроқ
узилару юрак каби учиб кетади.

ЧУМОЛИ

Ўрганибман, ҳайратга солмас,
самолёту авто жамоли.
Мен ҳайратдан ютаман нафас,
кўриб қолсам сени, чумоли.

1980

ҚАЙТИШ

Хасталикда кўзлари қувватдан қолди,
мени 'кутавериб онамнинг кўзлари толди.
Уйга қайтсам, ўзим овоз бермагунимча
танимасдан тикилганча жилмаяр онам.

ҲАҚИҚАТ

Қанча ўрамасин кўнгли қоралар
баланд девор билан ёзнинг боғини,
бари бир бағри кенг, сахий олмалар
кўчага узатар шиғил шохини.

1980

МЕН ДАРАХТГА АЙЛАНДИМ ТУНДА...

Тонгда данак багрини ёрдим,
Ниҳол бўлиб тинмай кўкардим.

Ва боғ билан шовиллаб тунда,
Ўз аксинин кўрдим осмонда.

Юлдузларни шохимга ўраб
боқдим: наво оқди ялтираб.

Капалакдай ухлади дунё,
ухламади мен каби дарё.

Мен дарахтга айландим тунда --
тонгга қараб ўсди шохларим.

1979

Севламан ёмгирдан кейини кезмоқни,
Айниқса бегона кўчалар бўйлаб.
Дарёдек порлаган йўлдан юзмоқни
Севаман, ёруғ бир сатрни ўйлаб.
Йўл четида ўсган шодмон гулларга
Бошимни эгаман, алик оламан.
Ювилиб таранган мажнунтолларга
Боладек маҳлиё бўлиб қоламан.
Адашиб кезаман чорбоғлар қўйнин
Сўнгсиз хаёлларнинг сокин мавжида,
Ва сармаст ёмғирнинг қадимий қуйин
Менинг қулоғимга шивирлар жийда.
Қайтаман,
Қуёш ҳам толиб оёғи
Уфқнинг бағрига оҳиста тинар.
Хонам деразаси мен қайтган чоғи
Алвон атиргулдай ловиллаб ёнар.

1980



МУНДАРИЖА

«Шундай яшил менинг...» 3. «Мен сизни...» 4. Болалнк ҳақида шеър... 5. Чон Чхолнинг нкки шеъри... 6. Эрнб кстар хира туманлар... 7. Деразанинг рахидан қорни... 8. Керак бўлса... 9. Якшанба... 10. Умрзоқ кунбўйи... 11. Мен севаман... 12. Сўнгги олма ҳақида қўшиқ... 13. Қишлоққа қайтиш ёки Умрзоқ лайлакнинг ўлими... 15. Бўлди, етар... 16. Тун шундай зим-зиё... 17. Самарқанд ҳақида қўшиқ... 18. Тунги боғ (*Н. Заболоцкийдан*)... 21. Қизиқчилар... 22. Сўз — қушдир... 24. Дарё йўқдир сочингдан бошқа... 25. Заъфар қирда... 26. Шухратни ёдлаб... 27 Чол ва кампир... 28. 1231 йил 16 август... 29. Отлар йиғлаганда... 30. Намоз ҳақида қўшиқ... 31. Ботир Намоз ўлими... 33. Эртакнинг давоми... 35. Баъзан кўчадаги... 36. Ҳожи Абдулазиз ҳақида қўшиқ... 37. Кутиш... 39. Тикилмаган — осмон ўзгарди... 40. Рўмол ўраб кўчага чиқди... 41. Алишер Навоий... 42. Бахт... 43. Яширасан сен кўзларингни... 44. Бибихоним... 45. 1. Уста... 45. 2. Бола... 47. Ёмғир қадаҳ чўзар... 49. Эски шаҳар... 50. Дарахт... 51. Уйқусизлик (*В.л. Соколовдан*)... 52. Дала кезиб... 53. Энг кучли бақирӣқ... 54. Самарқандда тонг отишини кутиб... 55. Тунги боғлар суратга ўхшар... 56. Сўнгги куз... 57. Осмонда булут йўқ... 58. Улуғбекнинг қасоси... 59. Қадимги қўшиқ... 61. Широқ... 63. Кулол муҳаббати... 64. Беҳзод... 65. «ЧУМОЛИ» туркумидан Муҳаббат... 66. Метаморфоза... 66. Куз... 67. Чумоли... 67. Қайтиш... 68. Ҳақиқат... 68. Мен дарахтга айландим тунда... 69. Ойбек билан сайр... 70.

Даврон Хуршид.

Тунги боғлар. Шеърлар — Т. «Ёш гвардия», 1981.—72 б. 1 б. портр.

Даврон Хуршид. Ночные сады. Стихи.

Ўз2

На узбекском языке

Хуршид Даврон

НОЧНЫЕ САДЫ

Стихи

Редактор *Тўлқин*

Рассом *Вл. Валиев*

Расмлар редактори *А. Ғуломов*

Техн. редактор *Г. Аҳмаджонова*

Корректор *М. Юнусова*

ИБ № 1116

Босмахонага берилди 19. 01. 1981 й. Босишга рухсат этилди 21. 04. 1981 й. Р—15432 Формати 70X90¹/₃₂. 1- босма қозоғга «Литературная» гарнитурасида юқори босма усулида босилди. Босма листи 2,25. Шартли босма листи 2,63. Нашр листи 1,903. Тиражи 10 000. Буюртма № 67. Шартнома № 190—80 Баҳоси 25 т.

Ўзбекистон ЛҚСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти. Тошкент, 700129. Навоий кўчаси. 30- уй.

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат Комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2- босмахонаси. Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 44

70403—45
Д 356 (01) — 81 57—81 4700000000